

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ОИД ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ТАҲЛИЛИ

Ergasheva Barno

Oriental universiteti magistri

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7791489>

Аннотация: Мақолада мактабгача таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этишга оид илмий тадқиқотлар таҳлил қилиниб, мазкур жараёни янада такомиллаштириш мақсадида уни болаларнинг индивидуаллигига йўналтириш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: мактабгача таълим, инноватсион метод, инноватсион технология, таълимни индивидуаллаштириш, шахсга йўналтирилган таълим, тафаккур, таълим траекторияси.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом ва ҳар томонлама етук қилиб вояга етказиш, таълим-тарбия жараёнига самарали шакл ва усулларни жорий этиш ҳамда инноватсион ғояларни тарғиб этишга қаратилган мактабгача таълимнинг самарали тизимини ташкил этиш муҳим вазифаларимиздан биридир. Шу билан бирга, олиб борилган таҳлил, болаларнинг мактабгача таълим билан қамровини таъминлаш, ташкилотларни ўқув-методик материаллар ва бадиий адабиётлар билан тўлдириш, соҳага малакали педагог ва бошқарув кадрларни жалб қилиш, таълим жараёнида инновацион технологияларни жорий этиш масалаларини ҳал этиш зарурлигини кўрсатмоқда.¹ Бу вазифаларни самарали амалга оширилиши мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган тарбиячи, услубчи ва психологлари зиммасига улкан масъулият юклайди. Болаларга мактабгача ёшидан бошлаб замонавий таълим бериш, уларни психик, ақлий ва ижтимоий жиҳатдан фаол ривожлантириш – ҳозирги кунда мактабгача таълим ташкилотларида ҳал қилиниши керак бўлган долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мактабгача таълим ташкилотларида болаларга таълим-тарбия бериш муаммосига бир қатор олимларнинг (Ф.Р. Қодирова, Л.Р. Мўминова, Г.Э. Джанпеисова, Ш.А. Содиқова, Г.А. Мардонова, Г. Назирова, Н.Ш. Абдуллаева, Д.А. Абдурахимова, М. Абдуллаева, З.А. Ботирова, А.Э. Рустамова ва бошқ.) илмий тадқиқот ишлари бағишланган. Ф.Р. Қодирова, Ш.Қ. Тошпўлатова, Н.М. Қаюмова, М.Н. Аъзамова ва Ш.А. Содиқова ўз илмий изланишларида мактабгача таълим назарияси ва методикасининг илмий-назарий асослари ўрганилган бўлиб, мактабгача педагогиканинг илмий тадқиқот методлари, босқичлари, болалар ривожланишига таъсир этувчи биологик ва ижтимоий омиллар, мактабгача ёшдаги бола психик тараққиётининг асосий босқичлари, таълимнинг дидактик тамойиллари, болаларга педагогик таъсир кўрсатиш, мактабгача таълимни ташкил этиш шакл ва методлари ҳамда мактабгача таълим ва тарбияда педагогик технологияларни қўллашнинг назарий асослари ёритилган.

Л.Р. Муминованинг илмий тадқиқотлари мактаб ёшидаги болаларнинг тил ривожланишидаги нуқсонларни батараф этишда педагогик-коррекцион фаолиятнинг назарий асосларини тадқиқ этишга бағишланган. Бундан ташқари, Л.Р. Муминова томонидан мактабгача умумий ва махсус таълим муассасаларининг катта ва тайёрлов гуруҳ болалари ҳамда бошланғич синф ўқувчиларининг нутқини халқ ўйинлари асосида ривожлантириш муаммоси ўрганилган. Бу мақсадда қадимий ва бой фолклор

меросимиздан болалар ўйинларининг кўшиқ ҳамкорлигида ижро этиладиган намуналари танлаб олиниб, ўйинларнинг таснифи, таълим тарбиядаги ўрни, шунингдек логопедик-коррекцион ишда қўлланиш хусусиятлари ва методикаси таклиф қилинган. Бундай ўйинлар болаларнинг нутқий, жисмоний, психологик, маънавий ривожланишида муҳим ўрин тутиши тажриба-синов ишлари ёрдамида аниқланган.12 Г.Э.Джанпеисова мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларида математик тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш муаммоларини тадқиқ этган.8 Муаллиф ўз тадқиқотларида мактабгача ёшдаги болаларда арифметика ва геометрияга оид илк билимларни шакллантириш йўллари, воситалари ҳамда педагогик шарт-шароитларини тадқиқ этган. Болаларда математик билимларни шакллантириш ва ривожлантириш уларнинг ақлий ривожланиши, ўзини англаши, ижтимоийлашувида муҳим омиллардан бўлишини аниқлаган. Болаларга интерактив мантиқий-математик таълимни ташкил этишда компютерли муҳитнинг аҳамиятини алоҳида эътироф этган. Боланинг воситачи-персонажлар орқали компютер билан виртуал ташкиллаштириладиган диалог компютерни “жонлантириб”, боланинг ҳаракатларини фаол ва онгли бўлишини таъминлайди.

Г.А.Мардонованинг илмий тадқиқот иши оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик имкониятларини аниқлаш муаммосини ўрганишга бағишланган. Тадқиқотчи алланинг ижтимоий-ғоявий мазмуни, тарбиявий таъсири ҳамда “алла” сўзининг этимологик маъноси ва тарихий шаклланишини педагогик нуқтаи назардан талқин этган. Болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг фалсафий, педагогик ва психологик ҳолатини таҳлил этиб болаларнинг ёши, психологик-маънавий ривожланиши бўйича маънавий-ахлоқий тарбиялашга йўналтирилган алла турларини дидактик мазмунига кўра таснифлаган. Бундан ташқари, “оила – маҳалла – мактабгача таълим муассасаси” ўртасидаги ҳамкорлик фаолияти асосида болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялаш самарадорлигини оширишнинг ижтимоий-педагогик механизми такомиллаштирилган бўлиб, болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялаш методининг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Мактабгача таълим муассасаларида педагогик жараёнларни такомиллаштириш муаммосини Г.М.Назирова тадқиқ этган. Тадқиқотчи мактабгача таълим ташкилотларида педагогик жараёнларни такомиллаштиришда тизимли ёндашувнинг ўзига хос хусусиятлари ва педагогик-психологик имкониятларини тавсифлаб, ушбу жараёнларни тизимли ёндашувга таянган ҳолда такомиллаштириш моделини назарий-эмпирик жиҳатдан асослаган. Педагогик жараённи такомиллаштириш модели таълимий тарбиявий фаолият компонентларининг ривожланиш соҳалари билан ўзаро интеграллаш, рефлексив узвийликни таъминлаш ҳамда мустақил фаолиятни ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари болаларда ривожланиш соҳалари бўйича таянч компетенцияларни шакллантиришнинг интеграл-вариатив дастурларига асосланган Плай гуруҳлар фаолиятидаги креативликка устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган. Г.М. Назирова мактабгача таълим ташкилотларида ривожлантирувчи муҳитни ташкил этишда болаларнинг ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ёшга доир хусусиятлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли, бу ёшдаги болаларнинг етакчи фаолияти – ўйин. Тўғри ташкил

этилган ўйинда эса боланинг жисмоний, ақлий ва шахсий сифатларининг ривожланиши, ўқув фаолиятига тайёрлик шаклланиши ва мактабгача ёшдаги боланинг ижтимоий муваффақиятини таъминлаш учун шароитлар яратилади, - деб ҳулоса қилади.

Н.Ш. Абдуллаеванинг мактабгача таълимни креатив ёндашув асосида такомиллаштиришга бағишланган диссертатсиясида мактабгача таълим сифатини ошириш учун ўқув дастурларида болаларнинг ёши, психологик ва интеллектуал жиҳатларини инобатга олиш, таълимни индивидуаллаштириш ва дифференциялашга асосланган технологияларидан таълим-тарбия жараёнида етарли даражада фойдаланиш, болаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш, мустақил фикрлашни шакллантиришга қаратилган методик таъминотни ишлаб чиқиш ва амалда жорий этиш заруриятини асослаб берди. Вариатив ёндашувнинг асослари сифатида “таълим технологияларининг вариативлиги”, “таълим траекторияси” ва “таълимни индивидуаллаштириш” эканлигини алоҳида таъкидлади. Тадқиқотчи мактабгача таълим ташкилотларида фаолият олиб бораётган раҳбар ва педагог кадрларнинг вариатив ёндашувни амалиётга жорий этиш бўйича компетенцияларини ривожлантириш, мактабгача таълим муассасаларида вариатив ёндашувли таълим дастурларини амалиётга самарали жорий этиш учун махсус методик қўлланмалар ва тавсияномалар ишлаб чиқиш ҳамда замонавий ахборот коммуникатсия технологиялари ва мултимедиа воситаларидан кенг фойдаланиш тавсия қилинган.

Д.А. Абдурахимованинг диссертатсиясида мактабгача ёшдаги болаларни халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашни такомиллаштиришнинг концептуал асоси бу жараённинг аксиологик, қадриятли, тизимлифаолиятли, ривожлантирувчи компонентларига педагогик, психологик, фалсафий, перцептив ёндашувлар интегратсиясига устуворлик беришда муҳим вазифа эканлигини аниқлади. Халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий- ахлоқий тарбиялаш тизимини такомиллаштиришда қуйидаги тамойилларни таклиф қиллади: яхлит ёндашув; тарбияланувчига педагогик қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезувчи, индивидуал муносабатда бўлишни талаб этувчи шахс деб қараш; тарбиявий иш мазмуни, шакл ва методларини танлаб олишда табақалаштирилган ёндашув; табиат билан уйғунлик; маданият билан уйғунлик; тарбиявий жараёндаги муносабатларни ташкил этишга инсонпарвар ёндашув; қадриятли-мазмунли ёндашув.

М.Н. Аъзамова мактабгача таълим ташкилотларидан бошлаб болаларда дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш алоҳида ижтимоий-педагогик аҳамиятга эга эканлигини эътироф этади. Болаларни мактабга тайёрлаш жараёнида улар орасида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик муҳитини вужудга келтириш ниҳоятда зарур бўлиб, бундай кўникмалар уларнинг мактаб ҳаётига осон ва самарали мослашишини таъминлайди. Тадқиқотчи мактабгача таълим ташкилотларида болаларни дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорликка ўргатиш орқали уларни интеллектуал ривожлантириш ва биргаликдаги ўқув фаолиятига тайёрлашнинг назарий асосларини таҳлил қилишга интилган. Тадқиқотчи мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланадиган болалар, биринчи навбатда, дўстлар орттириш ва улар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатишга эҳтиёж сезишларини аниқлаган. Мактабга тайёрлаш жараёнида тарбияланувчилар ёш

хусусиятларини ҳисобга олишлари зарурлигини назарий жиҳатдан асослаб, кўпгина қийинчиликлар ва зиддиятлар болаларни мактабга тайёрлаш босқичида вужудга келишини дидактик жиҳатдан исботлади.

А.Э. Рустамова мактабгача ёшдаги болаларда чет тилини ўқитишда талаффузини шакллантириш ва ривожлантиришга оид олиб борган илмий тадқиқотида болаларнинг илк нутқий ва талаффуз кўникмалари шу босқичдан шаклланишини аниқлаган. Бу ёшдаги болаларни ўқитиш жараёнида идрок этиш, хотирада сақлаш, аниқ ва равон талаффуз этиш каби лингвопсихологик хусусиятларни алоҳида ўрганиш тақозо этилади. Бу ёшдаги болаларнинг психологик ёш хусусиятларида ўйин фаолияти алоҳида ўрин тутди. Шунинг учун таълим жараёнида ўйин технологияларидан фойдаланиш ниҳоятда самарали бўлади.

Д.Т.Сабинова мактабгача катта ёшдаги болаларда тасвирий саводхонлик элементларини шакллантиришга бағишланган диссертатсиясида берилётган назарий билимлар амалиёт билан ҳамоҳанг равишда бўлиши ва улар мактабгача таълим муассасаларига амалиёт чоғида борилганда машғулотларни ўтиш орқали мустақамланишига эътибор қаратиб, бунда болалар билан ўтиладиган машғулотлар жараёнига ўйин вазиятларини олиб кириш, интерфаол усуллардан, тренинглардан фойдаланиш ва ишларни ўзаро мусобақа тарзида ташкил этиш орқали уларнинг қизиқишини, фаоллигини оширишга эришиш зарур, деган хулосага келди.

З.Ҳ.Раҳматова мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш воситаларини яратишнинг лингвистик асосларини тадқиқ этиб, мамлакатимизда мактабгача таълим тизимининг ислоҳ қилиниши, мактабгача таълим узлуксиз таълимнинг асосий бўғини сифатида ажратилиши, қолаверса, мактабгача таълим муассасасининг давлат ўқув дастурида мактабгача ёшдаги боланинг умумий муҳим компетенциялари асосида коммуникатив, ижтимоий ва билиш компетенцияларининг ётиши, бу тизим учун мўлжалланган нутқ ўстириш воситалари – луғатлар, лексик минимумлар, қўшимча ахборот манбаларига бўлган талабни ошираётганлигини таъкидлаган. Тадқиқотчи мактабгача ёшдаги болалар луғати сўз бойлигини шакллантириш ва семантизатсиялашда:

- 1) илмийлик ва мантиқлилик;
- 2) таълимийлик;
- 3) лексикани қулай шаклда тақдим этиш;
- 4) кўрсатиб тушунтириш;
- 5) умумийлик-хусусийлик;
- 6) изчиллик;
- 7) миллийлик;
- 8) замонавийлик;
- 9) дидактик;
- 10) тушунарлилик;
- 11) даражалилик каби тамойилларга асосланиши керак, деб хулоса қилади.

М.Н.Хушназарова мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетенциясини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этиб, тарбиячиларни илмий-методик фаолиятга тизимли йўналтириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш ҳамда инновасион машғулот ишланмаларини таълим-тарбия

жараёнларига кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқлигини эътироф этган.

Ф.Ф.Ганжиевнинг мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларида ижтимоий-психологик компетентлик омилларининг намоён этилиши ва ривожланишини ўрганишга бағишланган эмпирик тадқиқотлари натижасига кўра, ижтимоий тараққиёт тамойилларига хизмат қилувчи ижтимоий-психологик компетентликнинг намоён этилиши, шахс типлари ва сотсиал-психологик компетентлик омилларига боғлиқ эканлигини таъкидланади. Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларида муайян даражадаги ижтимоий-психологик компетентликни ривожлантириш дастурини қўллаш натижасида тарбиячилардаги шахслараро муносабат билан боғлиқ бўлган вербал маълумотлар билан бирга новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш ва шахслараро муносабатда иштирокчиларга таъсир кўрсатиш қобилиятлари ўсиб боришини аниқлаган.

References:

1. Абдурахимова Д.А. Халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимини такомиллаштириш: Педагогика фанлари доктори (ДСс) ... автореферати. – Тошкент, 2020. – 74 б. (Б.31).
2. Аъзамова М.Н. Мактабга тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчиларида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш тизимини такомиллаштириш: Педагогика фалсафа доктори (пхд) автореферати. –Тошкент, 2020. – 45 б. (Б.18)
3. Ганжиев Ф.Ф. Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларида ижтимоий-психологик компетентлик омилларининг намоён этилиши ва ривожланиши: Психология ... фалсафа доктори (РхД) диссертацияси. –Бухоро, 2021. -169 б. (Б.116-117).
4. Гулямов Д.Р., Каланходжаева К.Б. К вопросу учета особенностей межполушарной функциональной асимметрии мозга обучаемых в учебном процессе / Ж. Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. № 11, 2018. –С.38-43.
5. Қодирова Ф.Р, Тошпўлатова Ш.Қ, Қажумова Н.М., Аъзамова М.Н. Мактабгача педагогика. Дарслик. Т.: “Тафаккур” нашриёти. 2019. – 685 б.